

Ёшлар ўртасида гиёхвандликка қарши кураш – миллат генофондини асрашнинг стратегик омили

Хамидов Асилбек Алишер ўғли

Криминология тадқиқот институти

илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан

E-mail: alfalawyeruzb@gmail.com

Phone: +998 94 822-28-51

Аннотация: мақолада гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи йўналишида кузатилаётган тенденциялар ва уларнинг омиллари, ёшлар ўртасида гиёхвандликнинг оммалашуви, унинг миллат генофонди, демографик хавфсизлик ва жиноятчилик даражасига таъсири комплекс таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар: тенденция, омил, гиёхвандлик, ёшлар, генофонд, демографик хавфсизлик, наркотик моддалар, профилактика, жиноятчилик.

Аннотация: В статье комплексно анализируются тенденции, наблюдаемые в сфере незаконного оборота наркотических средств, их аналогов или психотропных веществ, и факторы, влияющие на эти тенденции. Рассматриваются вопросы распространения наркомании среди молодежи, ее влияния на генофонд нации, демографическую безопасность и уровень преступности.

Ключевые слова: trend, factor, drug addiction, youth, gene pool, demographic security, drugs, prevention, crime.

Annotation: the article comprehensively analyzes the trends observed in the illegal trafficking of narcotic drugs, their analogues, or psychotropic substances and their factors, the prevalence of drug addiction among young people, its impact on the nation's gene pool, demographic security, and crime rates.

Key words: trend, factor, drug addiction, youth, gene pool, demographic security, drugs, prevention, crime.

Сўнгги йилларда жиноятчилик, унинг сабаб ва омилларига қарши курашиш барча давлатларнинг устувор вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Шу сабабли бу йўналишда катта миқдордаги ресурслар сафарбар этилмоқда.

Гарчи, жиноятларнинг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилаётган бўлса-да, жиноятчилар ҳам, жиноятлар ҳам замон талабларига мослашиб, трансформацияга учраб, янада яширин ва мураккаб кўринишга ўтмоқда. Шундай жиноятлардан бири бу – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласидир.

Глобаллашув шароитида гиёҳвандлик муаммоси нафақат тиббий ёки ҳуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий ва демографик хавфсизлик масаласига айланди. Айниқса, ёшлар ўртасида наркотик моддалар истеъмолининг ортиши миллат генофондига, яъни келажак авлоднинг соғлом ва барқарор ривожланишига жиддий таҳдид солмоқда.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) таҳлилларига кўра, айти пайтда дунё миқёсида наркотик моддаларни истеъмол қилувчилар сони **316 млн кишини** ташкил этиб,¹ уларнинг асосий салмоғи 18-35 ёш тоифасига тўғри келади.

Ўз навбатида, бу ҳолат ҳар давлат учун миллий генофонд ва демографик барқарорлик нуқтаи назаридан **стратегик таҳдид** ҳисобланади.

Охирги йилларда жаҳон наркожиноятлари кесимида юз бераётган тенденциялар Ўзбекистонда ҳам кўзга ташланмоқда. Наркожиноятларнинг ёшлар орасида кенгайиб, оммалашиб бораётганли – шундай тенденциялардан биридир.

Хусусан, **2025 йилда 3 744 нафар** (2024 йилда 3 167 нафар) **ёшлар**, шу жумладан **111 нафар** (2024 йилда 97 нафар) **вояга етмаганлар**, **59 нафар** (2024 йилда 59 нафар) **мактаб ўқувчилари**, **124 нафар** (2024 йилда 126 нафар) **талабалар** томонидан шу турдаги жиноятлар содир этилган.

¹ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2025 йилги ҳисоботи. UNODC. United Nations. New York, 2025. https://www.unodc.org/documents/data-and-analysis/WDR_2025/WDR25_B1_Key_findings.pdf

Ўзбекистон аҳолисининг қарийб **60 фоизини 30 ёшгача бўлган** ёшлар ташкил этиши² ҳамда улар ўртасида наркожиноятлар ўсиб бориши давлат олдида ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўришни тақозо этади.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунга кўра, ёшлар деганда – 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаганлар назарда тутилади. Ҳозирда мамлакат аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этади.

Шу мақсадда, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси билан бу йўналишда бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2025 йил 3 ноябрь кунги Президент Ш.М.Мирзиёевнинг томонидан Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ва миллат генофондига жиддий таҳдид солаётган гиёҳвандлик иллатига қарши курашиш ҳамда бунга сабаб бўлаётган уюшган наркожиноятчиликка чек қўйишга қаратилган норматив-ҳуқуқий, тезкор-профилактик ва ташкилий-тарбиявий чоралар комплексини белгилаш, шунингдек, вояга етмаганлар ва ёшларимиз келажагини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалардан ҳар томонлама асраш — барча даражадаги давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг долзарб вазифаси эканини алоҳида қайд этиш ҳамда уларнинг бу борадаги масъулиятини тубдан ошириш мақсадида қабул қилинган **“Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-207-сон Фармони³** бу йўналишдаги янги даврни бошлаб берди.

Мазкур фармон билан **“Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури”** қабул

² Ўзбекистоннинг ёшларга оид давлат сиёсати Испания ОАВ нигоҳида. Мақола. Дунё ахборот агентлиги. 19.07.2024 й. <https://dunyo.info/uzk/mir-ob-uzbekistane/El-Mundo-Financiero-sistemnye-reformy-v-uzbekistane-priveli-k-znachitelnym-dostizheniyam-v-oblasti-obrazovaniya-duhovnogo-intellektualnogo-fizicheskogo-i-nravstvennogo-razvitiya-molodezhi>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-207-сон Фармони. 03.11.2025 й. <https://lex.uz/docs/7818774#7831618>

қилинди ҳамда **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилиш бўйича давлат комиссияси”** таркиби тасдиқланди.

Қолаверса,

– таълим муассасаларида, ўқувчи ва талабалар орасида психофаол моддаларнинг тарқалишига батамом чек қўйиш, ёшларда гиёҳвандлик иллатига муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш;

– гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар (кейинги ўринларда — гиёҳвандлик воситалари) ноқонуний айланмасига қатъий жиноий-ҳуқуқий механизмлар орқали барҳам бериш, бу борадаги жазо чораларини кескин кучайтириш ҳамда ёшларга нисбатан содир этиладиган наркожиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштириш;

– гиёҳвандлик воситаларини республика чегарасидан олиб кириш йўналишларини, интернет тармоқлари орқали тарқатиш ҳаракатларини, ноқонуний нарколабораторияларни ва наркожиноий уюшмаларни, шу жумладан, уларга ҳомийлик (рахнамолик) қилаётган мансабдор шахсларни аниқлаш, улар фаолиятига чек қўйиш ҳамда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тезкор-қидирув ва тергов фаолиятини йўлга қўйиш;

– гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган кимёвий моддалар (прекурсорлар) айланмаси устидан қатъий давлат назоратини ўрнатиш, гиёҳвандлик воситаларидан тиббиётда фойдаланувчи тиббиёт муассасалари, фармацевтика корхоналари ва дорихоналарнинг фаолиятини назорат қилиш амалиётига рақамли ечимларни жорий этиш;

– аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар орасида гиёҳвандлик ҳамда заҳарвандликни ташхислаш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган манзилли чора-тадбирларни белгилаш — ҳар бир гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши кескин курашиш фаолиятини амалга оширишга масъул давлат органлари ва ташкилотларининг **устувор вазифалари** этиб белгиланди.

Биргина мазкур Фармоннинг қабул қилиниши вояга етмаганлар ҳамда ёшларнинг гиёҳвандлик таъсиридан ва шу турдаги жиноятлардан ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг далолати бўлди.

Миллат генофондини асраш – геосиёсий стратегик вазифа

Тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат ёки миллат ўзининг узоқ ва барқарор умр кўришини истар экан миллат генофондини сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Ўз навбатида, бу ҳолат объектив заруратдир.

Ривожланган давлатларда, шу жумладан ғарбий еврпа ва узоқ шарқ минтақаларида аҳоли сонининг камайиши ҳамда кексалар қатламининг ошиб бораётганлиги уларда бир қатор демографик муаммоларни вужудга келтирмоқда.

Мазкур муаммолар аҳолиси кўп ва ижобий ўсиш тенденцияларига эга Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда кузатилмаётган бўлса-да, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалиши ва шу турдаги жиноятларнинг содир этилиши кўпайиб бораётганлиги миллат генофондига таҳдид туғдирмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, **генофонд** – миллатнинг асосий ирсий белгилари; бир типдаги организмларга хос бўлган хусусиятлар мажмуаси⁴ бўлиб, миллатнинг биологик ва интеллектуал салоҳиятини ифодаловчи асосий омилдир.

Шунга кўра, соғлом ёшлар – соғлом авлод, барқарор иқтисодиёт ва кучли давлат гарови бўлиб, улар ўртасида гиёҳвандликнинг кенг тарқалиши қуйидаги демографик муаммоларни келтириб чиқаради.

Жумладан, соғлом ёшлар улуши камайиб кетади. Бу эса жамиятда носоғлом муҳитни юзага келтириб, келажакда ногирон фарзандлар туғилиши хавфини кескин оширади. Бу эса давлат учун энг қиммат ресурс бўлган инсон ресурсларининг жисмонан ва руҳан зайифлашувига олиб келади.

Шунингдек, жиноятчиликнинг занжирли реакцияси кучаяди. Яъни гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш учун ўғрилиқ, фирибгарлик каби мулк

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 493-бет. 2018 й. <https://izoh.uz/uz/word/genofond>

жиноятларни, шунингдек, қотиллик, қасддан тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, безорлик каби жиноятларни содир этиш эҳтимоли ошади.

Бундан ташқари, ёшларнинг гиёҳвандлик гирдобига тушиб қолиши, давлат учун жамиятнинг энг фаол ва фойдали иш коэффициенти юқори бўлган қатламини “ўйиндан чиқаради”. Натижада жамиятга юк бўладиган кераксиз, муомалага лаёқатсиз қатлам шаклланади. Бу эса оила институтининг парчаланишига ҳамда инсон капитали таназзулига олиб келади.

Шу билан бирга, ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалиши —миллатнинг келажаги ва генофондига (ирсий захирасига) бериладиган энг оғир зарба бўлиб, миллатнинг биологик сифати пасайиши ва кейинги авлодларнинг яшаб қолиш имконияти хавф остида қолишини англатади.

Бу жараён қандай содир бўлишини қуйидаги асосий йўналишларда ўзида намоён бўлади.

1. Репродуктив⁵ саломатлик издан чиқади. Гиёҳвандлик моддалари инсоннинг кўпайиш тизимига салбий таъсир кўрсатади ва ёшларнинг ҳали шаклланиб улгурмаган организмида гормонал мувозанат бузилади. Бу эса бепуштлик⁶ ҳамда инсон ҳужайралари ДНК тузулиши шикастланишига олиб келади.

2. Ёшлар ўртасида мутациялар ва нуқсонли туғилишлар кузатилади. Ирсий касалликлар авж олади ва касалликлар авлоддан-авлодга ўтиши кузатилади. Гиёҳвандлик таъсирида ногирон, ақли заиф фарзандлар дунёга келади.

3. Фарзандлар гиёҳвандлик синдроми билан туғилади. Бола ҳали туғилмасданоқ гиёҳванд бўлиб қолади ва туғилибоқ – абстиненция⁷ ҳолатини бошидан ўтказади. Уларнинг иммунитетини ўта паст бўлиб, соғлом авлод бўла олмайди.

4. Ижтимоий ва маънавий генофонд заифлашади. Миллат генофонди фақат биологик бўлмасдан, интеллектуал салоҳиятни ҳам ўз ичига

⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 378-бет. 2018 й. <https://izoh.uz/uz/word/reproduktiv>

⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири. 232-бет. 2018 й. <https://izoh.uz/uz/word/bepushtlik>

⁷ Институт прикладной психологии. <https://ippss.ru/glossary/abstinenciya>

олади. Ёшларнинг ақлий заифлашуви натижасида миллатнинг илмий, маданий ва ижодий салоҳияти йўқолади. Тарбия йўқолади. Ота-оналар фарзандларига тарбия бера олмай қолади ва антисоциал хулқ-атворли шахслар кўпайиб бориб, криминал муҳит шаклланади.

Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи йўналишида кузатилаётган тенденциялар ва уларнинг омиллари. Дунё миқёсида, қолаверса Ўзбекистонда ушбу турдаги жиноятлар соҳасида қуйидаги тенденциялар кучайиб бормоқда.

Биринчидан, наркожиноят содир этган ёшларнинг ўсиб бориши.⁸ Айни вақтда, наркожиноятларнинг асосий салмоғи ёшлар томондан содир этилмоқда. Авваллари, бу турдаги жиноятлар ёшлар орасида асосан **истеъмол қилиш** ва **сақлаш** шаклида кўзга ташланган бўлса-да, сўнгги вақтларда ёшлар асосан **етказиб берувчи** сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бу эса қуйидаги омиллар таъсирида юз бермоқда.

Психологик омиллар – стресс, депрессия, ўзини ижтимоий изоляцияда ҳис қилиш ёшларни наркотик моддаларнинг ноқонуний муомаласига интиладиган асосий омиллардан бири саналади.

Ижтимоий босим – ёшлар ўртасида тенгдошлар таъсири ва ундови наркотик моддаларни синаб кўришга ва унга қизиқишга сабаб бўлади. Атрофдаги “намунали” тенгдошлар томонидан наркотик моддалар истеъмол қилиниш ёки етказиб берилиши, унинг бошқа танишлари ўртасида ҳам қизиқиш уйғотади.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар таъсири – телеграмм, инстаграмм каби платформалар наркотик савдоси ва реклама учун қулай майдонга айланаётганлиги, бундай моддаларнинг ноқонуний муомаласини янада осонлаштирмоқда.

Мисол тариқасида, муқаддам Тошкентда гиёҳванд моддалар сотиладиган сайтга

⁸ «Ўзбекистонда охириги 5 йилда наркобеморлар рўйхатига олинганлар сони 53 фоизга кўпайди» — бош нарколог. Мақола. Дунё ўзбеклари расмий веб-сайти. 02.12.2025 й. <https://dunyouzbeklari.com/?p=265599>

Иқтисодий ва ижтимоий шароитлар – ишсизлик ва иқтисодий беқарорлик ёшларда “осон даромад” фикри билан ноқонуний савдога жалб этиш хавфини оширади. Яъни, таклиф этилаётган ноқонуний ҳаракат (*наркотик моддани етказиб бериш*)ни содир этиш иқтисодий жиҳатдан жозибадор бўлиб кўринади.

Иккинчидан, нарко бозорнинг рақамли муҳит орқали кенгайиши. Наркотик моддаларни жисмоний ҳолатда, қўлдан-қўлга етказиб бериш тобора эскилик сарқити ёки эскирган усулга айланиб бормоқда. Чунончи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги ишларининг фаоллашуви жиноятчилар орасида ҳам ўзаро ишонга путур етказмоқда. Бу эса уларнинг ўзларини янада кучли ниқобланишига туртки бермоқда. Қолаверса, мазкур ҳолатга қуйидаги омиллар “ижобий” таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий тармоқ ёки мессенжерлар орқали онлайн савдо қилиш имкониятининг кенглиги – тез суратлар билан ривожланиб бораётган рақамли муҳит нарко савдони офлайн моделдан онлайн моделга ўтказмоқда. Жиноятчилар телеграмм, инстаграмм маркетплейслари орқали реклама, қабул ва етказиб беришни йўлга қўймоқда.

Онлайн савдонинг нисбатан хавфсизлиги – айбдорни топиш имкониятининг пастлиги, анонимликнинг юқорилиги. Онлайн савдо жиноятчилар учун анонимликни оширади. Чунончи, тўловларнинг “Bitcoin” ёки “Monero” усуллари орқали амалга оширилиши молиявий изни кузатишни, End-to-end encryption (шифрлаш), VPN ва TOR браузерлари, фейк akkaунтлар имкониятлари жиноятчиларни идентификация қилиш имконияти қийинлаштиради.

End-to-end encryption: буфақат алоқа қилувчи фойдаланувчилар (“учувчилар”) хабарларни о’қий оладиган хавфсиз алоқа тизими, бу хизмат кўрсатувчи провайдерлар, хакерлар ёки учинчи шахслар транзит пайтида ма’лумотларга кира олмаслигини та’минлайди.

⁹ Тошкентдаги баннерда гиёҳванд моддалар сотиладиган сайт реклама қилингани аниқланди. Тезис. Газета.уз расмий веб-сайти. 22.11.2019 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/11/22/drug-banner/>

Virtual Private Network (VPN): интернетга уланишни шифрлайдиган ва ИП-манзилингизни яшириб, бошқа сервер орқали йўналтирадиган хавфсизлик воситаси. У маълумотларни хакерлардан ҳимоя қилади, жамоат Wi-Fi тармоғида махфийликни таъминлайди ва географик блокланган сайтларга кириш имконини беради.

The Onion Router (TOR) браузерлари: прокси-сервер тизими бўлиб, тинглашдан ҳимояланган аноним тармоқ уланишни ўрнатиш имконини беради. Шифрланган маълумотларни узатишни таъминловчи виртуал туннелларнинг аноним тармоғи сифатида кўриб чиқилади. Бу тармоқда даркнетга кириш имкони ҳам бор. Бу аноним мулоқотни ёқши учун эркин ва очиқ кодли дастур.

Фейк аккаунт (сохта профил)лар: ижтимоий тармоқларда бошқа бир шахс, ташилот ёки мавжуд бўлмаган шахс номидан очилган профил.

Онлайн савдонинг камхаржлиги – онлайн моделда сотувчига анъанавий наркосавдога хос логистика, хавфсиз жой, воситачилар керак эмас. Бу харажатларни камайтиради ва даромадни оширади. Бу эса наркотикларнинг нархини янада арзонлаштиришга олиб келади.

Қисқа вақтда юқори аудиторияга, мижозларга эга бўлиш имконияти – наркотиклар баъзан “энергетик”, “креатив стимулятор”, “party drug” сифатида реклама қилинади. Бу орқали каналлар қисқа вақтда минглаб обуначини тўплаш имконига эга бўлади.

Учинчидан, етказиб бериш – “закладчик”¹⁰ хизматининг авж олаётганлиги. Наркжиноятчилар сўнги вақтларда, қуйидаги омиллар сабабли “Закладка” усулидан кенг фойдаланишга ўтмоқда:

Рақамли инфратузилманинг кенгайиши – телеграмм ва бошқа шифрланган мессенжерлар орқали буюртма қабул қилиш, геолокация юбориш, ботлар орқали автоматлаштиришнинг осонлигида кўзга ташланади. Бунда “Закладчик” харидор билан юзма-юз учрашмайди, буюртма — онлайн, тўлов — криптовалютада, етказиб бериш эса — яширин жойга қўйиб кетиш орқали амалга оширилади.

Иқтисодий рағбат ва ёшлар оммаси — ишсизлик, тез даромад иллюзияси, ижтимоий тармоқларда “осон пул” рекрутинг рекламасида намоён

¹⁰ Официальный сайт Муниципального Совета и Местной Администрации ВМО МО сосновское. <https://mo-sosnovskoe.ru/profilaktiki-i-inye-napravleniya-deyat/profilaktika-narkomanii-i-tabakokur/profilaktika-narkomanii/zakladka-narkotikov-samyj-rasprostranennyj-sposob-sbyta/>

бўлади. “Закладчик”лар кўпинча 18–25 ёшда бўлади ва қисқа вақтда юқори даромад ваъдаси билан жинойтга жалб этилади.

Контактсиз усулнинг криминал самарадорлиги — юзма-юз алоқанинг йўқлиги, видеокузатувдан қочиш тактикаси, кичик партияларни тезда тарқатиш имкониди акс этади. “Закладчик” криминал паст бўғин бўлиб, юқоридаги звеноларни танимайди, фош бўлиш ҳамда занжирнинг узилиш хавфини камайтиради.

Криптовалюта ва аноним тўловлар — “Закладчик” ва наркосавдогар ўртасидаги изни яшириш, ниқоблаш имконини беради. Бу эса наркосавдогарларни нисбатан хавфсиз бўлган “закладчик”лардан фойдаланишга ундайди.

Тўртинчидан, синтетик наркотиклар бозорининг ўсиши.¹¹ Наркотик моддаларни табиий усулда етиштириш унинг фош этилишини осонлаштирганлиги сабабли. Масалан, уларни очиқ майдонларда етиштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларни кузатиш имконини беради. Шу билан бирга бошқа бир қанча омиллар уларни синтетик усулда тайёрлашни жозибадор қилади:

Ишлаб чиқаришнинг соддалиги ва арзонлиги — синтетик моддалар¹² (метамфетамин, MDMA, синтетик каннабиноидлар, фентанил туркуми) ўсимлик хомашёсига боғлиқ бўлмасдан, уларни айрим муомаласи таъқиқланмаган маҳсулотлардан, шу жумладан дорилардан ҳам тайёрлаш имкони мавжуд. Бунда ер, сув, қуёш нури, ўғит каби аграр ресурслар талаб этилмайди. Уйнинг ичида, кичик лабараториялар кўринишида ҳам тайёрлаш имкони мавжуд.

Юқори фойда имконияти — синтетик моддаларни тайёрлашда ишлатиладиган хомашё арзон, чакана нарх эса юқори. Чунончи, бир килограмм

¹¹ “Ёшлар орасида “дорихона наркоманияси” кенг тарқалаётганидан ташвишдамиз” — Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/15/narco/>

¹² Табиий ва синтетик наркотик воситалар. Зарари ва фойдаларини ўрганиш. Мақола. С.Б. Пардаева. 2025 й. <https://cyberleninka.ru/article/n/tabiiy-va-sintetik-narkotik-vositalar-foydasi-va-zararlarini-organish>

прекурсордан минглаб доза синтетик моддалар тайёрлаш мумкин. Қолаверса, логистика харажатлари ҳам паст.

Талабнинг ўсиш тенденцияси — синтетик наркотиклар энергия берувчи стимуляторлар, стресс ва психоэмоционал босимни камайтиришга ёрдам бериши тўғрисидаги рекаламалар уларни ёшлар орасида машхур қилади. Метамфетамин, экстази каби синтетик каннабиноидлар **клуб маданияти** ва **ёшлар субкультураси** билан кенг боғланмоқда.¹³

Ёшлар бундай моддаларни тунги клубларда, музикий фестиваллар каби кўнгилочар жойларда истеъмол қилиши ҳолатлари юқори.

Қонуний тартибга солишдаги кечикиш — турли хил формулалардан фойдаланган ҳолда таъқиқланган моддалар рўйхатига киритилмаган синтетик наркотик моддаларни яратишнинг кенг имконияти мавжуд. Бундай ҳолатларда тезкор рўйхатга олиш механизмлари йўқлиги такрорлануви қонуний бўшлиқни пайдо қилади.

Бешинчидан, ёшлар орасида дорихона наркоманиясининг ўсиши.¹⁴ Дорихоналарда қонуний сотиладиган дори (*огриқ қолдирувчи, уйқусизлик ва томир тортишишига қарши каби*) воситаларини (*рецептли ёки айрим ҳолларда рецептсиз*) тиббий мақсаддан ташқари, мастлик ёки психоактив таъсир олиш мақсадида мунтазам истеъмол қилиш (*қонуний дори воситаларининг ноқонуний истеъмоли орқали шаклландиган наркологик ва криминалогик муаммо*) ҳолати ошиб бормоқда. Илмий адабиётларда, мазкур феномен турлича талқин қилинган бўлса-да, ушбу тадқиқот доирасида “дорихона наркоманияси”ни қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ:

Дорихона наркоманияси — бу тиббий муассасалар, хусусан дорихоналар орқали назоратсиз ёки етарли даражада тартибга солинмаган ҳолда тарқатиладиган психоактив хусусиятга эга доривор воситаларни мунтазам ва номувофиқ қўллаш натижасида шаклландиган моддага қарамлик феномени

¹³ “Тошкентда ўқувчилар орасида синтетик наркотик истеъмол қилиш кўпайяпти” — Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари. Д.Рахимова. 2024 й. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/19/narco/>

¹⁴ “Ёшлар орасида “дорихона наркоманияси” кенг тарқалаётганидан ташвишдамиз” — Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази. <https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/15/narco/>

бўлиб, у жисмоний ва психик тобелик, толерантликнинг ортиши ҳамда абстиненция синдроми билан намоён бўлади.

Бундай салбий ҳолатларнинг кузатилишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда.

Қонуний манбанинг мавжудлиги — модда дорихона орқали, қонуний тартибда сотиб олинади, бироқ, психоактив кайф олиш мақсадида фойдаланилади.

Хавфсизликка оид хато қараш — психоактив модда дорихонада сотилганлиги ва таъқиқланмаганлиги боис, миждозларда зарарсиз деган нотўғри фикр уйғотади. модда дорихона орқали, қонуний тартибда сотиб олинади, бироқ, психоактив кайф олиш мақсадида фойдаланилади.

Назорат қилиш қийинлиги — мазкур моддалар рецептсиз ёки рецепт билан берилганда ҳам, уларни тўғри мақсадда ишлатилаётганлигини назорат қилиш имконияти паст.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, ёшлар ўртасида гиёҳвандликка қарши курашиш — миллат генофондини асрашнинг энг муҳим стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Бу йўналишда давлат, жамият ва оила ҳамкорлиги, илмий асосланган профилактика дастурлари ва замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, фақатгина комплекс ва тизимли ёндашув орқали соғлом, интеллектуал салоҳиятли ва барқарор авлодни шакллантириш мумкин.

Юқоридагилардан келиб, чиқиб қуйидагилар таклиф этилади:

***биринчидан**, сўнгги йилларда кўпайиб бораётган граффити-реклама: бинолар деворига нарко-сайтларнинг манзилларини ёзиб кетишни ҳам жисноят тури сифатида қайд этиш ва жавобгарлик белгилаш;*

***иккинчидан**, “Дорихона наркоманияси”га қарши курашиш мақсадида таркибида психотроп моддалар бўлган дориларни беришнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқиш орқали назоратни кучайтириш;*

***учинчидан**, синтетик наркотиклар савдосининг тахминан 90 фоизи виртуал маконда кечишни инобатга олиб, Сингапур тажрибаси*

асосида "Digital Guardian" – СИ асосидаги кибер-патруль тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

Бунда: Telegram ва ижтимоий тармоқлардаги нарко-рекламаларни автоматик блоклайдиган ва тарқатувчининг геолокациясини аниқлайдиган Сунъий интеллект (AI) нейротармоғи ишга туширилади.

тўртинчидан, "Генетик паспорт" ва эрта диагностика тизимини ташиқ этиш. Яъни, Жанубий Корея тажрибаси асосида олийгоҳ ва мактабларда йиллик тиббий кўрик доирасида "Нейромедиаторлар баланси" тестини ўтказиш. Бу нарко-тест бўлмасдан, бор эътибор организмдаги дофамин ва серотонин даражасини ўлчашга қаратилади. Агар кўрсаткич кескин тушиб кетса, бу шахснинг ё наркотик истеъмол қилаётгани ёки чуқур депрессияда (демак, потенциал истеъмолчи) эканини аниқлатади.

бешинчидан, гиёҳвандлик ва психотроп моддаларга қарамликдан воз кечиш бўйича маслаҳатлар берувчи, анонимликни таъминлайдиган ва 24/7 соат ишлайдиган ишонч телефонларини ташиқ этиш.

олтинчидан, таъқиқланган психотроп моддалар, уларнинг аналоглари ва шу доирадаги дорилар ва муомаласи чекланган воситаларни ўз вақтида аниқлашга мақсадида, тадбиркорлик субъектлари бўлган дорихоналарни навбатдан ташиқари ва тўсатдан текшириш механизмларини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-207-сон Фармони. 03.11.2025 й.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури".

3. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2025 йилги ҳисоботи. United Nations. New York, 2025.

4. Пардаева С.Б., Хабибуллаев Ш.С., Умирбоева М.О., Охонов Э.Т.:
“Табиий ва синтетик наркотик воситалар. Зарари ва фойдаларини ўрганиш”.
Мақола. 2025 й.

5. Мадвалиев А.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тошкент – 2018 й.